(1700-1733, Хўжанд)
(1721-1733)

Минг сулоласидан бўлган Кўкон хони, Шохрухбийнинг ўгли. У хушёр, окил, донова тадбиркор эди. Абдурахимбий даврида Кўконда калъа курилган бўлиб, у хозирда “Ески кўргон”деб аталади. В.П. Наливкиннинг маълумотига кўра, 1732-йилгача унинг кароргохи Тикон Тўда кишлоги бўлган. Худди шу йили у Кўкон шахрига биринчи бўлиб асос солади. 1725-йил Бухоро хонлигининг заифлашганидан фойдаланиб, 20минг кишилик кўшин билан Хўжандни, 1726-йил эса Оъратепани эгаллаган. Сўнгра Шахрисабз остоналарига кўшин тортиб боради. Шахрисабз хокими Олимбек валинеъманинг (бошка манбаларга кўра Иброхим оталик кенагаснинг) сулх тузиб, кизи Ойчучук ойимни ўз никохига олган. Шахрисабзлик кенагаслар билан иттифок тузиб, 1732-йил Самаркандни эгаллаб, бу ерга мулла Бахорни хоким этиб тайинлайди ва у ерда олти ой тургач, Жиззахни олиб, Оллохкулибекни хоким килиб колдиради.
Абдурахимбий Хўжандга етиб келгач, каттик бетоб бўлиб, аклдан озади, у 1733-йилда суикасд уюштирилиши натижасида ўлдирилади. Абдурахимхон ўлимидан сўнг Кўкон хонлиги забт этилган худудлардан ажраган. Ундан Эрдонабек деган ўгил ва 3 киз колган бўлса хам Кўкон хонлиги тахтига укаси Абдукаримбий ўтиради.